

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

ҲУКМ

2024 йил июль ойининг 23 куни жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, судья С.Хожамкулованинг раислигида, А.Муҳаммадсаид, Ш.Шокировнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Тошкент транспорт прокурори катта ёрдамчиси Х.Сайдазова, Тошкент транспорт прокурорининг ёрдамчиси С.Сабиров, судланувчи Х.Икромов ҳамда унинг манфаатларини ҳимоя қилган “LAW SOLICTIOR” адвокатлик бюроси адвокати Д.Усманов, судланувчи А.Топилов ҳамда унинг манфаатларини ҳимоя қилган “AMIRXON-НІМОҲА” адвокатлик бюроси адвокати Р.Бакиева, судланувчи С.Атаджанов ҳамда унинг манфаатларини ҳимоя қилган “YUSTLEND” адвокатлик бюроси адвокати Ш.Убайдуллаев ва “IMINOV LEGAL” адвокатлик бюроси адвокати А.Иминов, судланувчи Ш.Ташанов ҳамда унинг манфаатларини ҳимоя қилган “FEMIDA-НІМОҲА” адвокатлар ҳайъати адвокати М.Рахимов, судланувчи А.Мирабидинов ва З.Абдурайимов ҳамда уларнинг манфаатларини ҳимоя қилган “CHILONZOR-НІМОҲА” адвокатлар ҳайъати адвокати А.Усмонбековларнинг иштирокида, Икромов Хисрав Солижон ўғли, Топилов Амиржон Алижонович, Атаджанов Сардор Бахтиярович, Ташанов Шавкат Алимович, Мирабидинов Алимардон Насридинович ва Абдурайимов Зухриддин Назиржон ўғлиларга нисбатан 1-1002-2405/302-сонли жиноят ишини кўриб чикди.

Иш ҳужжатларига кўра:Икромов Хисрав Солижон ўғли (**IKROMOV XIRSAV SOLIJON O`G`LI**) 16.02.1993 йил Наманган вилоятида туғилган, миллати тожик, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, икки нафар фарзанди бор, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Тошкент минтақавий темир йўл узелига қаршли Тошкент электр таъминоти масофасида электромонтёр бўлиб ишловчи, муқаддам судланмаган, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар, 3/3-дахаси, 10-уй, 27-хонадонда яшовчи, иш бўйича “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “б” банди, 28,211-моддаси 1-қисми, 168-моддаси 3-қисми “б” банди, 28,211-моддаси 2-қисми “а” банди, 168-моддаси 3-қисми “б” банди, 28,211-моддаси 2-қисми “а” банди, 168-моддаси 3-қисми “б” банди, 28,211-моддаси 2-қисми “а” банди, 168-моддаси 3-қисми “б” банди, 28,211-моддаси 2-қисми “а” банди,



168-моддаси 3-қисми “б” банди ва 28,211-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбланган,

Топилов Амиржон Алижонович (**ТОПИЛОВ АМИРЖОН АЛИЖОНОВИЧ**) 25.12.1984 йил Наманган вилоятида туғилган, миллати тожик, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 3 нафар фарзанди бор, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Ҳарбийлаштирилган кўриқлаш бошқармаси, Қамчиқ ҳарбийлаштирилган кўриқлаш отряди ўт ўчириш автомашина ҳайдовчиси, муқаддам судланмаган, Наманган вилояти, Поп тумани, Чодак қишлоғи, “Майдон” МФЙ, Мерганон кўчаси, 9-уйда яшовчи, иш бўйича “гаров” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “б” банди ва 28,211-моддаси 1-қисми билан айбланган,

Атаджанов Сардор Бахтиярович (**АТАДЖАНОВ САРДОР БАХТИЯРОВИЧ**) 22.12.1989 йил Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилали, 3 нафар фарзанди бор, вақтинча ишсиз, ишга алоқадор даврда “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Персоналларни бошқариш ва кадрларни тайёрлаш бошқармасида етакчи мутахассис лавозимида ишлаган, муқаддам судланган: 1) жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг 17.05.2017 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми айблаш ҳақидаги жиноят иши ЖКнинг 66¹-моддасига асосан тугатилган; 2) жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг 07.05.2021 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 211-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 45-моддасига асосан 1 йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва базавий ҳисоблаш миқдорининг 75 баравари, 18.375.000 сўм миқдорида жарима жазоси тайинланган, жарима тўланган, қўшимча жазони 28.05.2022 йилда ўтаб бўлганлиги сабабли ҳисобдан



чиқарилган, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, 1-мавзе, 64-уй, 31-хонадонда яшовчи, иш бўйича “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилиб, 26.03.2024 йилдан буён қамокда сақланаётган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “б” банди, 168-моддаси 3-қисми “в” банди, 28,211-моддаси 2-қисми “а” банди, 168-моддаси 3-қисми “б” банди, 28,211-моддаси 2-қисми “а” банди, 168-моддаси 3-қисми “б” банди, 28,211-моддаси 2-қисми “а” банди, 168-моддаси 3-қисми “б” банди ва 28,211-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбланган,

Ташанов Шавкат Алимович (**TASHANOV SHAVKAT ALIMOVICH**) 29.06.1983 йил Тошкент вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилали, 2 нафар фарзанди бор, вақтинча ишсиз, ҳайдовчилик билан шуғулланувчи, муқаддам судланган: 1) жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг 18.01.2011 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 248-моддаси 1-қисми билан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, жазодан 20.12.2011 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 05.12.2011 йилдаги “...амнистия тўғрисида”ги Қарорига асосан озод этилган; 2) жиноят ишлари бўйича Ангрэн шаҳар судининг 10.08.2017 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 248-моддаси 1-қисми билан 4 йил озодликни чеклаш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Оҳангарон туман судининг 18.10.2018 йилдаги ажримига кўра, ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмаган 2 йил 6 ой 28 кун жазосидан муддатидан илгари шартли озод этилган, Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳар, 44-мавзе, А.Навоий кўчаси, 17-уй, 12-хонадонда яшовчи, иш бўйича “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилиб, 26.03.2024 йилдан буён қамокда сақланаётган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми, 28,211-моддаси 1-қисми, 168-моддаси 3-қисми “б” банди, 28,211-моддаси 2-қисми “а” банди,



168-моддаси 3-қисми “б” банди ва 28,211-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбланган,

Мирабидинов Алимардон Насридинович (MIRABIDINOV ALIMARDON NASRIDINOVICH) 26.02.1988 йил Наманган вилоятида туғилган, миллати тожик, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 2 нафар фарзанди бор, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Ҳарбийлаштирилган кўриқлаш бошқармаси, Қамчиқ ҳарбийлаштирилган кўриқлаш отрядида ҳайдовчи бўлиб ишлаган, муқаддам судланмаган, Наманган вилояти, Поп тумани, Чодак қишлоғи, Истиклол кўчаси, рақамсиз уйда яшовчи, иш бўйича “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилиб, 17.04.2024 йилдан буён қамоқда сақланаётган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,211-моддаси 1-қисми, 28,211-моддаси 2-қисми “а” банди, 28,211-моддаси 2-қисми “а” банди ва 165-моддаси 2-қисми “в” банди билан айбланган,

Абдурайимов Зухриддин Назиржон ўғли (ABDURAYIMOV ZUXRIDIN NAZIRJON O`G`LI) 07.03.1996 йил Наманган вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 1 нафар фарзанди бор, Олмалик кон-металлургия заводида лаҳм отувчи бўлиб ишлаган, муқаддам судланмаган, Наманган вилояти, Поп тумани, Чодак қишлоғи, Шайхон МФЙ, Мафтункор кўчаси, 14-уйда яшовчи, иш бўйича “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилиб, 17.04.2024 йилдан буён қамоқда сақланаётган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,211-моддаси 1-қисми, 28,211-моддаси 2-қисми “а” банди, 28,211-моддаси 2-қисми “а” банди ва 165-моддаси 2-қисми “в” банди билан айбланган.

Суд, судланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, дастлабки тергов жараёнида, судда тўпланган далилларни текшириб ва муҳокама қилиб қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 28-моддаси ҳамда ЖПКнинг 454-460, 465, 472-моддаларини қўллаб, суд



ҲУКМ ҚИЛАДИ:

Икромов Хисрав Солижон ўғли (**IKROMOV XIRSAV SOLIJON O`G`LI**) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди ва 28,211-моддаси 2-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбдор деб топилсин.

Икромов Хисрав Солижон ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан 5 (беш) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Икромов Хисрав Солижон ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,211-моддаси 2-қисми “а” банди билан 5 (беш) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан Х.Икромовга ўташлик учун 5 (беш) йил 1 (бир) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 72-моддаси қўлланилиб, Х.Икромовга тайинланган жазо шартли деб ҳисобланиб, 3 (уч) йил синов муддати белгилансин.

Синов муддати ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Х.Икромовнинг хулқи устидан назорат олиб бориш яшаш жойидаги Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси Пробация гуруҳига юклатилсин.

Х.Икромовнинг яшаш жойи ўзгарса, бу ҳақда унинг хулқи устидан назорат олиб борувчи яшаш жойидаги туман (шаҳар) Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси Пробация гуруҳига хабар бериб туриш, мазкур органга белгиланган кунларда келиб, рўйхатдан ўтиб туриш мажбуриятлари юклатилсин.

Х.Икромовга синов муддати давомида ҳукм шартларини бузган тақдирда ЖКнинг 72-моддаси 6 ва 8-бандида кўрсатилган оқибатлар юзага келиши мумкинлиги қатъий тушунтирилсин.

Х.Икромовга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Топилов Амиржон Алижонович (**TOPILOV AMIRJON ALIJONOVICH**) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “б” банди ва 28,211-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбдор деб топилсин.

Топилов Амиржон Алижоновичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “б” банди билан 3 (уч) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Топилов Амиржон Алижоновичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,211-моддаси 1-қисми билан 3 (уч) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан А.Топиловга ўташлик учун 3 (уч) йил 6 (олти) ой озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.



А.Топиловга озодликни чеклаш жазоси Наманган вилояти, Поп тумани, Чодак қишлоғи, “Майдон” М.Ф.Й., Мерганон кўчаси, 9-уйда кечки соат 22:00дан эрталаб соат 06:00га қадар ўташ белгилансин.

А.Топиловга

-яшаш жойини назорат қилувчи органнинг рухсатисиз ўзгартирмаслик;

-Наманган вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик чекловлар юклатилсин.

А.Топиловга жазони ўташ даврида, унга белгиланган чекланишларни бузган тақдирда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси 6-бандида кўрсатилган оқибатлар юзага келиши мумкинлиги тушунтирилсин.

Жазони ижросини таъминлаш Наманган вилояти Поп туман ИИО ФМБ Пробация бўлимига юклатилсин.

А.Топиловга нисбатан қўлланилган “гаров” тарзидаги эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилиниб, Ўзбекистон Республикаси ИИБ Транспорт ва ТОХТДнинг депозит ҳисоб рақамига топширилган 8.000.000 (саккиз миллион) сўм гаров пуллари гаров кўювчи Топилов Амиржон Алижоновичга қайтариб берилсин.

Атаджанов Сардор Бахтиярович (**ATADJANOV SARDOR BAXTIYAROVICH**) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б,в” бандлари ва 28,211-моддаси 2-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбдор деб топилсин.

Атаджанов Сардор Бахтияровичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б,в” бандлари билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 (уч) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Атаджанов Сардор Бахтияровичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,211-моддаси 2-қисми “а” банди билан 5 (беш) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59, 61-моддалари тартибида тайинланган ҳар хил турдаги жазоларни қисман қўшиш йўли билан С.Атаджановга ўташлик учун 5 (беш) йил 1 (бир) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддаси тартибида С.Атаджановни 2024 йил 26 мартдан 2024 йил 23 июлга қадар қамокда сақланганлиги инобатга олиниб, ўташлик учун 4 (тўрт) йил 9 (тўққиз) ой 3 (уч) кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси қолдирилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 72-моддаси қўлланилиб, С.Атаджановга тайинланган жазо шартли деб ҳисобланиб, 3 (уч) йил синов муддати белгилансин.

Синов муддати ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

С.Атаджановнинг хулқи устидан назорат олиб бориш яшаш жойидаги Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси Пробация гуруҳига юклатилсин.

С.Атаджановнинг яшаш жойи ўзгарса, бу ҳақда унинг хулқи устидан назорат олиб борувчи яшаш жойидаги туман (шаҳар) Ички ишлар органлари



фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси Пробация гуруҳига хабар бериб туриш, мазкур органга белгиланган кунларда келиб, рўйхатдан ўтиб туриш мажбуриятлари юклатилсин.

С.Атаджановга синов муддати давомида ҳукм шартларини бузган тақдирда ЖКнинг 72-моддаси 6 ва 8-бандида кўрсатилган оқибатлар юзага келиши мумкинлиги қатъий тушунтирилсин.

С.Атаджановга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” тарзидаги эҳтиёт чорасига ўзгартирилиб у суд залида дархол қамоқдан озод этилсин.

С.Атаджановга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Ташанов Шавкат Алимович (**TASHANOV SHAVKAT ALIMOVICH**) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди ва 28,211-моддаси 2-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбдор деб топилсин.

Ташанов Шавкат Алимовичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан 5 (беш) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ташанов Шавкат Алимовичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,211-моддаси 2-қисми “а” банди билан 5 (беш) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан Ш.Ташановга ўташлик учун 5 (беш) йил 1 (бир) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддаси тартибида Ш.Ташановни 2024 йил 26 мартдан 2024 йил 23 июлга қадар қамоқда сақланганлиги инобатга олиниб, ўташлик учун 4 (тўрт) йил 9 (тўққиз) ой 3 (уч) кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси қолдирилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 72-моддаси қўлланилиб, Ш.Ташановга тайинланган жазо шартли деб ҳисобланиб, 3 (уч) йил синов муддати белгилансин.

Синов муддати ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ш.Ташановнинг хулқи устидан назорат олиб бориш яшаш жойидаги Тошкент вилояти Ангрен шаҳар Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси Пробация гуруҳига юклатилсин.

Ш.Ташановнинг яшаш жойи ўзгарса, бу ҳақда унинг хулқи устидан назорат олиб борувчи яшаш жойидаги туман (шаҳар) Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси Пробация гуруҳига хабар бериб туриш, мазкур органга белгиланган кунларда келиб, рўйхатдан ўтиб туриш мажбуриятлари юклатилсин.

Ш.Ташановга синов муддати давомида ҳукм шартларини бузган тақдирда ЖКнинг 72-моддаси 6 ва 8-бандида кўрсатилган оқибатлар юзага келиши мумкинлиги қатъий тушунтирилсин.



Ш.Ташановга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” тарзидаги эҳтиёт чорасига ўзгартирилиб у суд залида дархол қамоқдан озод этилсин.

Ш.Ташановга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Мирабидинов Алимардон Насридинович (**MIRABIDINOV ALIMARDON NASRIDINOVICH**) Ж.Ғаффоров, И.Эргашев ва И.Жўраевларни 4.200 АҚШ доллари миқдорида пора беришга далолатчилик қилиш ҳолати бўйича жиноий ҳодиса юз бермаганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,211-моддаси 1-қисми билан айбсиз деб топилиб, реабилитация этилсин ҳамда жиноят ишини шу қисми ЖПКнинг 83-моддаси 1-бандига асосан тугатилсин.

Мирабидинов Алимардон Насридинович (**MIRABIDINOV ALIMARDON NASRIDINOVICH**) А.Темиров, Ж.Ашурбоев ва Н.Мурзовалиевларни 4.200 АҚШ доллари миқдорида пора беришга далолатчилик қилиш ҳолати бўйича жиноий ҳодиса юз бермаганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,211-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбсиз деб топилиб, реабилитация этилсин ҳамда жиноят ишини шу қисми ЖПКнинг 83-моддаси 1-бандига асосан тугатилсин.

Мирабидинов Алимардон Насридинович (**MIRABIDINOV ALIMARDON NASRIDINOVICH**) Ж.Ғаффоров, И.Эргашев, И.Жўраев, А.Темиров, Ж.Ашурбоев ва Н.Мурзовалиевларни 1.200 АҚШ доллари миқдорида пора беришга далолатчилик қилиш ҳолати бўйича жиноий ҳодиса юз бермаганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,211-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбсиз деб топилиб, реабилитация этилсин ҳамда жиноят ишини шу қисми ЖПКнинг 83-моддаси 1-бандига асосан тугатилсин.

Мирабидинов Алимардон Насридинович (**MIRABIDINOV ALIMARDON NASRIDINOVICH**) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,229-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.

Мирабидинов Алимардон Насридиновичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,229-моддаси билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддаси тартибида А.Мирабидиновни дастлаб 2024 йил 17 апрелдан 2024 йил 23 июлга 3 ой 6 кун қамоқда сақланган ҳар бир куни уч кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосига тенглаштирилиб, тайинланган жазодан чегирилиб, унга ўташлик учун иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил 2 (икки) ой 12 (ўн икки) ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Тайинланган жазо мазкур жазо ижросини назорат қилувчи орган белгилаб берган бошқа жойларда ўтаттирилсин.

Жазони ўташ муддати маҳкум жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошланган кундан ҳисоблансин.



Жазо ижросини таъминлаш Наманган вилояти Поп тумани ИИО ФМБ зиммасига юклатилсин.

А.Мирабидиновга нисбатан қўлланилган “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” тарзидаги эҳтиёт чорасига ўзгартирилиб, у суд залида дархол қамокдан озод этилсин.

А.Мирабидиновга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Абдурайимов Зухриддин Назиржон ўғли (**ABDURAYIMOV ZUXRIDIN NAZIRJON O`G`LI**) Ж.Ғаффоров, И.Эргашев ва И.Жўраевларни 4.200 АҚШ доллари миқдорида пора беришга далолатчилик қилиш ҳолати бўйича жиноий ҳодиса юз бермаганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,211-моддаси 1-қисми билан айбсиз деб топилиб, реабилитация этилсин ҳамда жиноят ишини шу қисми ЖПКнинг 83-моддаси 1-бандига асосан тугатилсин.

Абдурайимов Зухриддин Назиржон ўғли (**ABDURAYIMOV ZUXRIDIN NAZIRJON O`G`LI**) А.Темиров, Ж.Ашурбоев ва Н.Мурзовалиевларни 4.200 АҚШ доллари миқдорида пора беришга далолатчилик қилиш ҳолати бўйича жиноий ҳодиса юз бермаганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,211-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбсиз деб топилиб, реабилитация этилсин ҳамда жиноят ишини шу қисми ЖПКнинг 83-моддаси 1-бандига асосан тугатилсин.

Абдурайимов Зухриддин Назиржон ўғли (**ABDURAYIMOV ZUXRIDIN NAZIRJON O`G`LI**) Ж.Ғаффоров, И.Эргашев, И.Жўраев, А.Темиров, Ж.Ашурбоев ва Н.Мурзовалиевларни 1.200 АҚШ доллари миқдорида пора беришга далолатчилик қилиш ҳолати бўйича жиноий ҳодиса юз бермаганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,211-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбсиз деб топилиб, реабилитация этилсин ҳамда жиноят ишини шу қисми ЖПКнинг 83-моддаси 1-бандига асосан тугатилсин.

Абдурайимов Зухриддин Назиржон ўғли (**ABDURAYIMOV ZUXRIDIN NAZIRJON O`G`LI**) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 229-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.

Абдурайимов Зухриддин Назиржон ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 229-моддаси билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддаси тартибида 3.Абдурайимовни дастлаб 2024 йил 17 апрелдан 2024 йил 23 июлга 3 ой 6 кун қамокда сақланган ҳар бир куни уч кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосига тенглаштирилиб, тайинланган жазодан чегирилиб, унга ўташлик учун иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил 2 (икки) ой 12 (ўн икки) ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Тайинланган жазо мазкур жазо ижросини назорат қилувчи орган белгилаб берган бошқа жойларда ўтаттирилсин.

Жазони ўташ муддати маҳкум жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошланган кундан ҳисоблансин.



Жазо ижросини таъминлаш Наманган вилояти Поп тумани ИИО ФМБ зиммасига юклатилсин.

3.Абдурайимовга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” тарзидаги эҳтиёт чорасига ўзгартирилиб, у суд залида дархол қамоқдан озод этилсин.

3.Абдуайимовга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Турдиев Фаррух Зафарали ўғлидан пора предмети ҳисобланган 31.467.700 (ўттиз бир миллион тўрт юз олмиш етти минг етти юз) сўм;

-Х.Икромов ва Ш.Ташановлардан солидар пора предмети ҳисобланган 52.865.736 (эллик икки миллион саккиз юз олтмиш беш минг етти юз ўттиз олти) сўм;

- Х.Икромовдан пора предмети ҳисобланган ва қопланмган 17.721.262 (ўн етти миллион етти юз йигирма бир минг икки юз олмиш икки) сўм;

- Ш.Ташановдан пора предмети ҳисобланган 5.000.000 (беш миллион) сўм ундирилсин.

Жиноят иши юзасидан ёзма ашёвий далиллар ва 2 дона DVD дисклари жиноят иши ҳужжатларида сақлансин.

Жиноят иши юзасидан ашёвий далил деб эътироф этилган “Робода” номли калит ҳукм қонуний кучга киргач Х.Иромовга қайтариб берилсин.

Дастлабки тергов давомида Ўзбекистон Республикаси ИИВ Транспорт ва ТОХТДнинг депозит ҳисоб рақамига тўланган 103.114.706 (бир юз уч миллион бир юз ўн тўрт минг етти юз олти) сўм пул маблағлари пора предмети тариқасида давлат фойдасига ўтказилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка муддат ичида, маҳкумлар эса ҳукм нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Миробод туман суди орқали Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида протест ёки шикоят, ҳукм қонуний кучга киргач эса кассация тартибида протест ва шикоят келтиришлари мумкин.

Раислик қилувчи, судья

имзо

С.Хожамкулова

Нусхаси аслига тўғри, судья

С.Хожамкулова

